



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2025-йил • 4-декабр • payshanba • № 48 (6577)

Темір yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.


Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

ОЙЛИК ДОИРАСИДА

“ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ” ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Хабарингиз бор, жорий йил 1 декабрдан 30 декабргача юрти-мизда фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлари самарадорлигини ошириш учун “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” тадбирлари эълон қилинган. Шу сабабли “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ҳам Жамият бош муҳандисининг 2025 йил 1 декабрь кундаги 736-сонли буйруғига асосан темир йўл транспортда “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

— Ушбу ойликдан қўзланган асосий мақсадимиз темир йўл объектиларини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ис газидан заҳарланиш ва ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавқуллодда вазиятларни олдини олиш бўйича ишчи-ларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда ёнгин хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат, — дейди Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ёнгин назорати бош ноири З.Рахматов. — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ўтказилаётган “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” тадбирлари учун корхона раҳбарлари ва бўлим-ларининг етакчи мутахассислари иштирокида комиссия тузилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Текширувлар давомида ёнгинга қарши сув таъминоти меъёр ва қоидалари талабларга мослиги, сув қувурлари, ёнгин ўчиришга мўлжалланган ер ости сув олгич (гидрант)лари, сув ҳовузлири, ички ёнгин ўчириш жўмрақлари, насос станциялар ва уларнинг техник ҳолати, сув манбаларининг кўрсаткичлар билан таъминланганлиги, электр кабель ва ускуналарининг ёнгинга қарши ҳолати, электр токини тарқатиш қутиларидаги электр сим кабеллари ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Ҳурматли темирйўлчилар, ушбу ойликда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, совуқ кунларни беталафот ўтказишда ҳушёр бўлайлик!

ҚОНУНИ ЎРГАНАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ТЕМИР
ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ
3-БОБ.

16-модда. Темир йўл транспорти юк хати

Юк жўнатувчи ташиш учун юк тақдим этилганда ташувчига ҳар бир жўнатма учун темир йўл транспорти юк хатини, қонунчи-лик ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳолларда эса бошқа ҳужжатларни (сертификат, лицензия, ветеринария сертификати, божхона декларациялари) ҳам тақдим этиши шарт.

Темир йўл транспорти юк хатининг ва бошқа ташиш ҳужжатла-рининг шакли, уларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида юкларни ташиш қоидалари билан белгиланади.

Юк жўнатувчи ўзи томонидан темир йўл транспорти юк хатига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

ИНСОН КОНС-
ТИТУЦИЯНИ
БИЛМАСА ВА
УНГА БЎЙСУНМАСА, ЎЗ
ҚИММАТИНИ ЙЎҚОТА-
ДИ. ШУ БОИС, ДЕМОК-
РАТИК ДАВЛАТ ҚУРАР
ЭКАНМИЗ, АВВАЛО ЎЗ
ҚУҚУҚИМИЗНИ – КОНС-
ТИТУЦИЯМИЗНИ БИЛ-
МОҒИМИЗ, ЎРГАНМО-
ҒИМИЗ ВА УНГА АМАЛ
ҚИЛМОҒИМИЗ ДАРКОР.

1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун. Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муно-сиб нишонланмоқда.

Мамлакатимиздаги ҳар бир бунёд-корлик, эзгу ишлар, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар муваффақияти Конституция-мизда белгилаб қўйилган моддалар иж-роси билан чамбарчас боғлиқ. Бу бора-да “Ўзбекистон темир йўллари” акция-дорлик жамияти ва унинг таркибидаги корхоналарда ҳам Бош қомусимизга сўз-сиз амал қилган ҳолда иш юритилмоқда. Айниқса, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Конституция-мизнинг 33 йиллиги муносабати билан тармоқ корхоналарида байрам тадбир-лари, спорт мусобақалари ҳамда турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ОНГИ ВА
ҚАЛБИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛГАН, УЛАРНИНГ ҚУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТЎЛИҚ ҚАФОЛАТЛАЙДИГАН
ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ ҚОМУСИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2025 йил 21 ноябрдаги “Ўз-бекистон Республикаси Конституцияси кунини байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 60-сон фар-мойиши ижросини таъминлаш мақсади-да “Ўзбекистон темир йўллари” акция-дорлик жамияти бошқаруви раиси Зу-фар Нарзуллаевнинг 2025 йилнинг 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини байрамига тайё-ргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғриси-да” 594-Н-сонли буйруғига асосан Бош қомусимизни темир йўл тизимида катта байрам сифатида нишонлаш, корхона-лардаги ишчи-ҳодимлар иштирокида

тантанали ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Эътироф этиш лозимки, соҳа ҳо-димлари томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида, шаҳар ва туманларида бунёд этилаётган ҳар бир лойиҳа му-қаддас Қомусимиз асосида амалга ош-моқда. Айниқса, жорий йилда амалга оширилган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Якунланаётган жорий йилда те-мирийўлчи-қурувчиларимиз саъй-ҳара-катлари билан 24 километрлик электр-лаштирилган “Байтқўрғон – Паркент” темир йўли қурилиши сўнгги босқичда давом эттирилмоқда.

Давоми 2-бетда ➡➡➡

ПРЕСС-ТУР

“УРГУТ – САМАРҚАНД – УРГУТ” ЙЎНАЛИШИДА ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Йўловчиларга
қўлайлик яра-
тиш мақсадида
27 ноябрь куни-
дан 6202/6201 ва
6204/6203-сонли
“Ургут – Самарқанд
– Ургут” шаҳарла-
раро поездининг
ҳар кунлик қатнови
йўлга қўйилди.



Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида “Ургут – Самарқанд – Ургут” янги темир йўл йўналишида медиа-тур ташкил қилинди. Даст-лаб журналистлар фахрийлар ҳам-да ушбу йўналишдаги қатновини бошлаган биринчи поездининг илк йўловчилари билан мулоқотда бў-дилар. Тадбир давомида мутахас-сислар мазкур янги темир йўлнинг қурилиш жараёнлари, йўловчиларга яратилган қўлайликлар ҳақида кенг маълумот бердилар. Журналистлар мазкур йўналишда бунёд қилинган янги линия ва “Ургут” ҳамда “Жар-тепа” вокзаллари билан яқиндан та-нишдилар.

Тадбир давомида журналистлар қурилиш жараёни, техник параметр-лар, келгуси режалар ва йўналиш-нинг иқтисодий аҳамияти ҳақида ба-тафсил маълумот олдилар. Пресс-



тур иштирокчилари янги йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчи поездида сафар қилиб, яратилган қўлайликларни ўз кўзлари билан кўрдилар.

Ургут – Самарқанд вилоятининг йирик туманларидан бири. Бугун-

ги кунда ушбу туманда 600 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шу кунгача Ургут туманини Самарқанд шаҳри билан автомобиль ва авто-бус каби транспорт воситалари боғ-лаб турарди.

Давоми 2-бетда ➡➡➡

“УРГУТ – САМАРҚАНД – УРГУТ” ЙЎНАЛИШИДА ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва таклифи билан жорий йилнинг февраль ойда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан Самарқанд – Ургут оралиғида 55,4 километрлик янги бир йўллик темир йўл қурилиши бошланди. Ушбу лойиҳа буюртмачиси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бўлиб, лойиҳага кўра 55,4 километрлик “Самарқанд – Ургут” темир йўл участкаси оралиғида 2 та тўхташ пункти, 2 та вокзал, 2 та кўприк, 110 та сунъий иншоот, 3 та кўриқланадиган ва 10 та кўриқланмайдиган автомобиль йўли ва темир йўл кесишмаси, шунингдек, 1,8 миллион м³ тупроқ ишлари, 58,3 километрлик оптик толали алоқа линияси қурилиши (ВОЛС), жами 58,3 километрлик рельслар ётқизиш ва электрлаштириш ҳамда 3 дона марказлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиши белгиланган эди.

Бугунги кунда мазкур участка оралиғида жами 1 минг 955 куб метр тупроқ кўтарма ишлари бажарилди, 9 дона сунъий сув ўтказиш иншооти ҳамда 1 дона тўғри бурчакли бетон қувур қуриб битказилди. Жами 101 дона металл сув ўтказиш қувури ўрнатилди. 58,3 километрлик темир йўл изларини ётқизиш амалга оширилди. Мавжуд 10/35/110 кВ ҳаво линиялари, алоқа кабелларини юз фоиз кўчириб ўтказиш ишлари бажарилган. 2 та темир-бетон кўприкда юз фоиз қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тугатилди.

“Жартепа” ва “Ургут” темир йўл вокзаллари биносининг қурилиш-монтаж ишлари ҳам якунига етказилди. Қурилиш объектида 3 та кўриқланадиган, 10 та кўриқланмайдиган темир йўл ва автойўл кесишмаси биноларининг қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

Зарафшон дарёси қирғоғидан ўтган темир йўл изларини сув оқимидан ҳимояловчи дамба қурилиши ишлари бажарилди. “Жартепа” станциясида юк тушириш ва ортish шохобча темир йўлига 833 метр темир йўл излари ётқизилди. “Жартепа” ва “Ургут” станциясидаги юк тушириш ва ортish майдонда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Лойиҳа доирасида қурилган кўриқланмайдиган темир йўл ва автойўл кесишмаларида алоқа ва



сигнализация қурилмалари ўрнатиш ишлари бажарилди.

Таъкидлаш лозимки, “Тоштемирийўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган бош режа асосида замонавий муҳандислик ечимлари ҳисобга олинган ҳолда барпо этилган ушбу участка лойиҳаси темирийўлчилар томонидан сифатли ва белгиланган режа асосида якунига етказилди. Жомбой туманидаги “MAN” заводи яқинидан бошланувчи янги темир йўл тармоғи 4Р-238 автомобиль йўлини кесиб, Зарафшон дарёси бўйлаб ўтади ва Ургут туманига боради.

Мазкур янги йўналиш икки жуфт шаҳарлараро поезд ва тўққиз жуфт юк поезди қатновини таъминлаш имкониятига эга. Лойиҳани шу йил охирига қадар якунлаш кўзда тутилган. Поездлар қатнови йўлга қўйилиши орқали йилига 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имкони яратилади.

Йўналиш Самарқанд шаҳри, Жомбой, Пастдарғом, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизмати тақдим этиши билан аҳамиятли. Шунингдек, ички туризм ривожига ҳам катта туртки беради.

Темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ушбу лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Янги йўналиш ишга тушиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилади.

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Самарқандга

ташрифи давомида жамоатчилик вакиллари билан бирга мазкур йўналишда ҳаракатланувчи поездда Ургутга борди. “Ургут” вокзали янги йўналишнинг асосий нуқталаридан бири. Президентимиз вокзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчилар ҳаракатини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратди. Сайёҳлар учун қулайликларни яхшилаш муҳимлиги қайд этилди. Президентимиз вокзал атрофида аҳоли фаровонлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жозибадорлигини оширишга қаратилган қўшимча лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди. Тадбиркорлар ташаббуси асосида яқин ҳудудларда автовокзал, чойхона, экобозор, турар жой бинолари, хусусий мактаб ва бочкалар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни чеклаб турган тўсиқлар, логистик “тромб”лар

бартараф этилади. Юк ташиш тезлашади, маҳсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қулайликлар янада ортиб, ҳудуднинг рақобатбардошлиги ошади.

Энг муҳими, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшиланади, тадбиркорлик фаоллашади.

Таъкидланишича, мазкур лойиҳа темир йўл тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараёнда ишларни ўз вақтида ва юқори сифатда амалга ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда харажатларни оптималлаштириш зарурлиги айтилди.

Келгусида “Самарқанд – Ургут” темир йўл участкасини электрлаштириш режалаштирилган.



МУНОСАБАТ

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Конституция нормаларини суд амалиётида тўғридан-тўғри қўллаш институти демократик давлатлар ҳуқуқий тизимининг марказий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Мазкур институт қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, жумладан, суд ҳокимиятининг ҳам Конституцияга мос фаолият юритишини кафолатлайди.

Ўзбекистонда ҳам судлар томонидан Конституция нормаларини бевосита қўллаш масаласи сўнгги йилларда долзарб бўлиб, қонунчилик ва амалиётда изчил ривожланиб бормоқда.

Бу институт икки асосий вазифани, яъни Конституциянинг олий юридик кучини таъминлайди ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилади.

Шу билан мазкур институт “конституциявий адолат” тизимини таъминлашнинг асосий элементи сифатида қаралади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур институт Конституциянинг олий юридик кучини реал амалга оширувчи, суд ҳокимиятига конституциявий назорат элементларини берувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим институтдир.

Ушбу институтнинг тарихи АҚШ Конституциясининг 3-моддасига асосланган ҳолда суд ҳокимиятининг конституциявий назорат ваколатини ўрнатган 1803 йилдаги Марбери-Мэдисон иши билан боғлиқ.

Ушбу иш натижасида “суд назорати” институти пайдо бўлиб, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳуқуқ назариясига кирди ҳамда дунё

бўйлаб конституциявий юрисдикция тизимининг ривожланишига асос бўлди.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, мазкур институтнинг қонуний мустаҳкамланиши турлича. Масалан, АҚШ Конституциясининг VI моддаси (“Supremacy Clause”) судлар Конституцияга зид қонунни қўллай олмаслигини белгилайди.

Германия Асосий Қонуни (Grundgesetz), 1, 20, 93-моддалари Олий Конституциявий суд Конституцияни тўғридан-тўғри қўллашнинг асосий органи эканлиги эътироф этилади ва ҳар бир судья Конституцияга зид қонунчилик нормасини қўлламаслиги шартлигини мустаҳкамлайди.

Франциянинг 1958 йил Конституциясининг 61-1 моддаси (Question Prioritaire de Constitutionnalité) қонун ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини суд тартибиде текшириш механизмларини назарда тутди.

Ўзбекистонда ушбу институтнинг илк ҳуқуқий асослари 1992 йилдаги Конституциясида ўз аксини топиб, мазкур Конституциянинг 16-моддасида бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги белгиланган.

2023 йилги янги тахрирдаги Конституцияда эса конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланиши борасидаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

Хусусан, Конституциянинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши белгиланди.

Шу билан бирга, суд жараёнларида Конституция нормаларини тўғри қўллаш бўйича ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пле-

нумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2024 йилдаги суд амалиёти таҳлили Конституция ва унинг моддаларига жиноят ишлари бўйича судларнинг 73 242 (2023 йилга нисбатан 4,8 баравар кўп), фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 25 083 (2023 йилга нисбатан 5,6 баравар кўп), иқтисодий ишлар бўйича судларнинг 30 301 (2023 йилга нисбатан 13,6 баравар кўп) ҳамда маъмурий ишлар бўйича судларнинг 8 837 (2023 йилга нисбатан 13 баравар кўп) ҳужжатларида тўғридан-тўғри ҳавола қилганликларини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг изчиллигини давом эттириш ҳамда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Одил судлов академиясида хорижий прецедентлар ва конституциявий талқин усуллари ўргатишга қаратилган судьяликка номзодлар ва судьялар учун махсус модуллар (масалан, “Constitutional reasoning” фани) жорий этиш, шунингдек, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали Конституция нормаларига зид бўлган қонунчилик ҳужжатларини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Конституция нормаларини судлар фаолиятида тўғридан-тўғри қўллаш ҳуқуқий давлатнинг фундаментал мезонидир.

Ўзбекистонда ҳам мазкур механизмни институционал ва қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни амалий ҳаётга тўла сингдириш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши сифатида долзарб бўлиб қолмоқда.

Василахон АБДУСАТТАРОВА,
Одил судлов академияси тингловчиси

“Ўзтемирийўлйўловчи” акциядорлик жамиятида “Очиқ эшиклар куни” доирасида “Биз коррупцияга йўқ деймиз!” шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ЙЎҚ ДЕЙМИЗ!



Вагон кузатувчилари ҳамда йўл ҳужжатларини расмийлаштириш агентлари иштирок этган тадбирда дастлаб “Ўзтемирийўлйўловчи” акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари Суннатилла Ҳамидов сўзга чиқиб, темир йўл тизимида, айниқса, йўловчилар билан иши боғлиқ бўлган вагон кузатувчилари ҳамда кассирлар қонунларимизни яхши билиши, темир йўл хизматларидан фойдаланаётган йўловчиларга яхши муомалада бўлиши, улар билан қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда суҳбатлашиш ва коррупцияга йўл қўймаслик, ҳар қандай коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши туриш муҳим вазифа эканлигини алоҳида айтиб ўтди.



Тадбирда Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими катта инспектори маёр Ботир Аъзамов, Тошкент минтақаси темир йўл транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи, подполковник Саидқабар Нурмаҳамедов, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи Фозил Комилов ҳам сўзга чиқиб, “Ўзтемирийўлйўловчи” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор тизимли ишлар олиб борилаётганини эътироф этишди. Иштирокчиларга иш фаолиятларида боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларини яхши ўрганиш, айниқса, ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал ўзлаштириш ва унга қатъий амал қилишлари зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Шундан сўнг темирийўлчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга ташриф буюрган мутахассислардан батафсил жавоб олишди.



КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ, УЛУҒЛАЙМИЗ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛАМИЗ!

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Яқинда фойдаланишга топширилган 55,4 километрлик “Самарқанд – Ургут” темир йўли халқимиз учун катта совға бўлди. Айни пайтда соҳа ходимлари томонидан “Навоий – Бухоро” темир йўлининг иккинчи йўли қурилиши якунланмоқда. Шунингдек, “Мискин – Нукус” йўналишида электрлаштириш ишлари ҳам самарали давом эттирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, якунланиб бораётган йилда темирийўлчилар томонидан залворли ишлар қилинди, катта бунёдкорлик вазифалари белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда.

Айниқса, локомотив ва вагон парк доимий янгиланиб борилмоқда. Замонавий электровозлар харид қилинмоқда. Пўлат магистраллар кун сайин янгиланиб, модернизация қилиниб, энг замонавий андоза талабларига мослаштирилмоқда, бир неча турдаги янги ва замонавий вагонларни қуриш йўлга қўйилмоқда.

Юк ва йўловчиларни ташиш суръати йилдан-йилга ошиб, яхшиланиб бораётган экан, табиий равишда темирийўлчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳам яхшиланиб боради. Жамиятга қарашли шифо масканлари темирийўлчилар учун ҳамisha очик.

Зеро, Конституциямизнинг асосий мақсади – инсонпарварлик, бахт-саодат, тинчлик ва осойишталик, миллий тотувлик ҳамда фаровонлиқни рўёбга чиқаришдир. Ўзбекистон темирийўлчилари бу эзгу мақсадни қўллаб-қувватлаган ҳолда барқарор, хавфсиз ва самарали ривожланиш, техникавий салоҳиятни ошириш, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш йўлида меҳнат қилаверади.

Рустам ҲАЙДАРОВ

КАСБ ФИДОЙИСИ

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, БУКИЛАДИ, ЛЕКИН СИНМАЙДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти юридик департаменти катта юридик маслаҳатчиси, “Фахрий темирйўлчи” Юсупов темир йўлдаги 23 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва хушмуомалалиги ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси сифатида жамоада алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор.



У 1961 йил Хоразм вилояти, Хонқа туманида туғилган. Отаси молиячи-тафтишчи, онаси уй бекаси, Фарҳод ака эса оиладаги 6 нафар фарзанднинг тўнғичи. Унинг айтишича, раҳматли отаси фарзандларини илмли, билимли бўлишларига катта аҳамият берган. Меҳнат қилиш ва унинг қадрига етиш кераклигини, шу орқали эса инсонлар билан ҳам муомалага киришиб кета олишини кўп бора таъкидларди. Шу сабабли Фарҳод ака мактабнинг 7-синфда ўқиб юрган кезларидан бошлаб ҳар йили ёзги уч ойлик таътил вақтларида отасининг гапи билан Хонқа туманидаги “Ўзқишлоқхўжаликтехника” қорхонасида чилангар, таъмирловчи, алоқа узелида электромонтёр бўлиб

ишларди. Ундаги ҳуқуқшунослик касбига бўлган меҳр ўқувчилик даврида уйғонади.

– Ҳуқуқшунослик соҳасини танлашимга мактабдаги дўстимнинг акаси сабаб бўлган. Акаси ўша вақтда юридик институтда ўқир эди. Мактабимизда бўлиб турадиган тадбирларда иштирок этиш учун уни тақлиф этишарди. Шундай тадбирларнинг бирида унинг эришган ютуқлари, ўқиши ва билими билан мақтаниб гапиришди. Мен эса уни дўстимнинг акаси бўлгани учун яхши билардим ва унга ҳавас қилардим. Тақдирни қарангки, йиллар ўтиб шу киши, яъни Сардор Ҳусайнов менга ҳуқуқшунослик бўйича университетда дарс беради.

Фарҳод ака мактабни битиргандан сўнг, олий таълим муас-

сасасига ўқишга ҳужжат топширади. Аммо унинг омади келмайди. Шунда у 1980 йилда йигитлик бурчини адо этиш учун кетади. Армиядан қайтгач, ҳуқуқшунос касбини эгаллаш мақсадида Тошкент давлат университетининг тайёрлов бўлимида ўқиб бошлайди. Ваниҳоят, тинимсиз ўқиб, ўрганишлари натижасида ушбу олийгоҳнинг юридик факультетига ўқишга қиради.

Ф.Юсупов университетни битиргач, илк меҳнат фаолиятини Хоразм вилояти Урганч шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчилқидан бошлайди. Шу тариқа 14 йил давомида Тошкент вилоятига қарашли прокуратура органларида прокурор ёрдамчиси, терговчи, катта терговчи, прокурор, шундан 5 йил давомида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи, шунингдек, Хоразм вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди.

– Танлаган касбим ўта масъулиятли ва шу билан бирга оғир касблардан бири. Чунки биргина нотўғри қарор инсон ҳаётини қайсибир даражада ҳал этиши мумкин. Шунинг учун ҳар битта ишни кўриш жараёнида унинг яхши ва ёмон томонларини атрофлича, жиддий ўрганиб чиқиш ва якунида одилона, қонун доирасида қарор чиқариш керак бў-

лади. Бу жараёнларда терговчи, прокурорнинг ортида ҳам ёмонлик ёки душман турган бўлиши мумкин. Бугунгача фаолиятим давомида кўриб чиққан барча ишларимдан кўнглим тўлган ва бундан бошқалар ҳам рози бўлган. Чунки ҳалигача тергов қилган ишларим ортида яхши сўзлар, ташаккурлар эшитаман. Мен доимо ҳақиқат юзага чиқиши учун курашганман. Чунки ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди.

2002 йил Ф.Юсупов “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юридик бошқармасига етакчи юрисконсулт сифатида темир йўлга кириб келиб, соҳаси бўйича ўз фаолиятини бошлайди. Кейинчалик “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Афғонистон Ислом Республикасида Хайратон – Мозори Шариф темир йўл линиясининг қурилиши бўйича қурилиш бошқармаси етакчи юрисконсулти, юридик бошқармаси етакчи юрисконсулти, катта юрисконулыт, бошқарма бошлиғи ўринбосари, капитал қурилиш дирекцияси юрисконсулти бўлиб ишлаган.

У бугунгача “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш, жамият томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) ички норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, жамиятнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этган. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари иштини мувофиқлаштириш, жамият ҳодимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишдаги меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, жамиятнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли

ҳимоя қилинишини таъминлаб, темир йўл транспорти тизимида бой тажрибали, юксак малакали ҳуқуқшунос сифатида мамлакатимиз темир йўл транспортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Сўнги вақтларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ҳуқуқий йўналишда жуда катта ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш унинг иқтисодий салоҳиятини яхшилаш, шунингдек, суддаъво ишлари борасида кўплаб ижобий қарорлар чиқарилишига эришилмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг бугунги кунига қадар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий судлари томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти фойдасига асосий қарздорлик суммалари ҳамда 2 та даъво ариза бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятидан маблағ ундирилиши ҳақидаги 2 та иқтисодий ишлар бўйича даъво талаблари рад этилиши тўғрисида суд ҳал қилув қарорларининг қабул қилинишига эришилган. Натижада 3 ярим йилликда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига нисбатан даъвогарларнинг асоссиз даъво талаблари рад этилиши оқибатида жамият пул маблағлари сақлаб қолиниб, иқтисод қилинган.

Фарҳод ака турмуш ўртоқлари Бибижон опа билан 4 нафар фарзандни вояга етказиб, Ватанга етук инсонлар қилиб тарбиялашди. Фарзандларидан бири Фаррух Юсупов ҳам ҳозирги кунда “Темирийўлфратузилма” акциядорлик жамиятида ҳуқуқшунос бўлиб ишламоқда.

– Фурсатдан фойдаланиб, яқинлашиб келаётган 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган юми муносабати билан ўзим ва юридик департаменти жамоаси номидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва барча темирийўлчиларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Уларга соғлиқ-саломатлик, оилавий тинчлик, хотиржамлик, барча ишларида зафарлар тилайман.

Н.НУРМАТОВА



ДНЕВНОЙ ПОЕЗД СТОКГОЛЬМ — ГАМБУРГ ОПЕРАТОРА SNÄLLTÅGET ДОПОЛНИТ НОЧНОЙ НА ТОМ ЖЕ МАРШРУТЕ

Частный шведский оператор Snälltåget открыл продажу билетов на новый дневной поезд сообщением Стокгольм – Гамбург, который будет курсировать начиная с 4 мая 2026 г. с остановками в Мальмё, Копенгагене и несколькими другими. Поезд будет отправляться из Стокгольма и Гамбурга в поздние утренние часы и прибывать в конечный пункт в тот же день. Эта инициатива станет дополнением к уже курсирующим в том же сообщении ночным поездам. Варианты поездки в ночное и дневное время предоставляют пассажирам возможность выбирать наиболее удобный и заранее планировать путешествие. Продажи билетов открыты на период до 1 ноября 2026 г.



Частный оператор Snälltåget работает с 2007 г., выполняя перевозки на маршрутах Стокгольм – Мальмё – Копенгаген и Стокгольм – Мальмё – Копенгаген – Берлин, а в зимнее время обслуживает сообщения с горнолыжными курортами в Швеции и Австрийских Альпах. Оператор входит в компанию Transdev и работает на коммерческой основе без финансовой поддержки со стороны местных властей.

По материалам интернета

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ТЕЛЕФОНИНГИЗДАГИ АУДИОЁЗУВЛАРГА ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Ҳозирги кунда дунё бўлаб террористик ҳаракатлар авж олиб бораётган бир таҳликали даврда, инсоният ўз мақсадлари йўлида мўмайгина даромад орттириш пайига тушиб қолмоқда. Лекин бу йўлга кирганлар фақатгина ўзларининг ҳаёт йўлларини издан чиқаришмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан халқимиз, айниқса, ёшларимиз алданиб қолмасликлари учун барча шароит яратилиб келинаётган бир вақтда, айрим кимсалар бу имкониятлардан тўғри хулоса чиқармай, нотўғри йўлга кириб кетишмоқда.



Жумладан, 2025 йил 22 март куни “Бухоро” халқаро аэропортида олиб борилган профилактик тадбирлар жараёнида 1994 йилда туғилган фуқаро А.Саидов ўзига тегишли бўлган “Realme” русумли қўл телефони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, мобил қурилма хотирасида диний мазмундаги аудиоёзувларни ноқонуний равишда сақлаб келаётганлиги аниқланди.

Фуқаро А.Саидов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этганлиги сабабли, Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан тегишли тартибда жарима жазоси тайинланди.

Фаррух АМАНОВ,
Бухоро вилояти Транспортда ХТБ
ЖҚГ тезкор вакили, майор

ТИББИЁТ ИСЛОҲОТИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТИББИЁТИ ТИЗИМИ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи доимо устувор вазифа сифатида эътиборга олинади. Бугунги кунда темир йўл транспортида фаолият юритаётган темир йўл тиббиёти тизими поездлар ҳаракати хавфсизлигининг тиббий жиҳатдан узлуқсиз таъминланишига хизмат қилмоқда.

Темирийўлчиларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш поликлиникаларда амалга оширилади. Локомотив бригадалари эса ҳар бир рейс олдида ва рейс якунлангач, махсус тиббиёт пунктларида қўриқдан ўтказилади. Чунки темир йўл ҳодимларининг, айниқса, локомотив бригадалари саломатлигидаги ҳар қандай муаммо темир йўл тизимида жиддий фавқулодда ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Темир йўл тиббиёти тизими поездлар ҳаракати хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ касб эгаларига нисбатан алоҳида талаблар кўяди. Бундай ҳодимлардан юқори даражадаги ҳушёрлик, турли ҳолатларда тез ва тўғри йўл тутиш, ташқи омилларга бардошлилиқ, монотон иш шароитига чидамли бўлиш, маълумотларни визуал ва аудио жиҳатдан аниқ қабул қилиш, турли шароитларда уни тўғри тушуниш ва тезкор қарор қабул қилиш талаб этилади.

Поездлар ҳаракати билан бевосита шуғулланадиган шахслар томонидан айрим дори-дармонларнинг қабул қилиниши кўп ҳолларда катта хавф туғ-

диради. Чунки дори воситалари сезги фаолиятига, аввало, кўриш ва эшитиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айрим дорилар онг фаолиятини бузиши, рухий ўзгаришларга сабаб бўлиши, хотира ва эътиборни сусайтириши, ахборотни қайта ишлаш тезлигини пасайтириши, ҳушёрлик даражасини камайтириши ҳамда ўзини ўзи бошқариш қобилиятини сусайтириши мумкин. Бу эса турли нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши, поездлар ҳаракати хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши мумкин.

Бундан ташқари, баъзи дори воситаларига индивидуал юқори сезгирлик ёки дориларни меъёрдан ортиқ дозада қабул қилиш ноҳўя таъсирларга олиб келади. Масалан, айрим препаратларни қабул қилиш ортидан гипогликемия (қондаги қанд миқдорининг кескин камайиши), гипотония (қон босимининг кескин пасайиши), юрак ритмининг хавфли даражада бузилиши, хушсизлик ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатлар поездлар ҳаракати хавфсизлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги нуқтаи назаридан локомотив бригадалари, поезд диспетчерлари ва бошқа масъул мутахассислар учун деярли барча дори-дармонларни ишдан узилмаган ҳолда қабул қилиш чекланган (ёки истисно ҳоллардагина рухсат этилади). Шу билан бирга, иш жараёнида шифокорларимиз маълум даражада компенсацияланган сурункали касалликларга эга бўлган шахсларга ишлашга рухсат беради ҳамда уларни ишдан ажралмаган ҳолда қўллаб-қувватловчи терапия

билан таъминлайди.

Бундай даволаш жараёни темир йўл тиббиёти талабларини яхши билладиган ишлаб чиқариш шифокори томонидан қатъий назорат қилинади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, баъзи дори воситаларини шифокор рухсатсиз тўхтатиш турли оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, қон босимини пасайтирувчи дориларни ўзбошимчалик билан қабул қилмаслик гипертоник инкирозга олиб келиши мумкин.

Қиш мавсуми бошланиши муносабати билан таркибда фенилэфрин, хлорфенамин, лоратадин каби антигистаминлар мавжуд бўлган дори воситаларини қабул қилиш поездлар ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ касб эгалари учун ман этилади. Чунки ушбу препаратлар уйқучанликка, сезги тезлигининг сусайишига ва диққатнинг пасайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фақат темир йўл тиббиёти асосларини яхши билладиган шифокор томонидан буюрилган дори-дармонларни қабул қилишга рухсат этилади. Шу сабабли темир йўл тизимида фаолият юритадиган ҳодимларга фақат темир йўл даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилиш тавсия этилади. Ушбу муассасаларда шифокорлар темир йўл ҳодимларининг касбий вазифалари ва хавфсизликлари нуқтаи назаридан мос ва хавфсиз даволаш усулларини белгилаб берадилар.

Шифокор қабулига келган ҳар бир темир йўл ходими ўзининг касби ва ла-

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ОВҚАТЛАНИШ БЎЙИЧА
ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР

Организм учун муҳим озукка маҳсулотлари 6 та гуруҳга бўлинади. Булар: углевод, оқсил, ёғ, витаминлар, минерал элементлар ва сув. Тўғри овқатланиш – ушбу маҳсулотларни мос ва етарли миқдорда қабул қилиш демакдир. Овқатланиш ҳам одамнинг ирсияти, ёши, жинси, жисмоний юкламаси, йилнинг иқлими ва фаслига боғлиқ бўлади.



Барча турдаги овқат маҳсулотлари маълум миқдорда озукавий қийматга эга. Фақат уларни истеъмол қилишда зарур қоидаларга амал қилиш керак, холос. Таомномага кўпроқ витаминларга бой овқатлар кўшинг. Таомни ҳар куни куннинг маълум бир қисмида ва маълум бир вақтда истеъмол қилиш лозим. Чунки ошқозон шунга кўникади ва шу вақтга келиб шира ажратишни кўпайтиради. Тез-тез ва кам порцияларда овқатланишга ҳаракат қилиш керак. Кечки овқатланиш ётишдан камидан 3-4 соат олдин бўлиши зарур.

Камроқ туз истеъмол қилинг. Консервалangan, музлатилган ёки қайта ишланган таомларни истеъмол қилманг. Тавсия этилган туз миқдори кунига 5 граммдан кам бўлсин. Шундан ошмаслиги учун таркибида оз миқдордаги ёки тузсиз маҳсулотларга эътибор беринг.

Таомни яхшилаб чайнаб ютинг. Овқат оғиз бўшлиғида қанча кўп турса ва чайналса, ошқозонда шира шунча кўп ажралиб чиқади ва овқат ҳазм қилиш жараёни шунча осон кечади.



Ёғлар, шакар, газланган ичимликлар, хамир маҳсулотлари, чипслар, майонез ва ҳар қандай қайта ишланган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишдан чекланинг.

Таом билан чой ўрнига шарбатлар ёки қайнатилган сув истеъмол қилиш тавсия этилади, чунки чой таркибидаги танин овқат таркибидаги темир моддасини организмга тўлиқ сўрилишига тўсқинлик қилиш мумкин. Бундан ташқари овқат билан газли яхна ичимликлар истеъмоли ҳам тавсия этилмайди.

Фақат ошхонада овқатланинг! Компьютер олдида, иш жойида ёки телевизор қаршисида овқатланманг. Бу сизнинг меъёردа овқатланишингиз учун муҳим.

Ярим тайёр маҳсулотлардан камроқ фойдаланинг. Иложи борица овқатни ўзингиз тайёрланг.



Кўпроқ сув ичинг. Оптимал миқдор кунига 2 литрни ташкил этади.

Таркибида кофеин бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишни камайтиринг. Иложи бўлса, уни бутунлай истеъмолдан чиқариб ташланг. Қаҳвадан воз кечиш вазн борасидаги ташвишликни камайтиради.

Спиртли ичимликлардан воз кечинг. Алкогол тўғридан-тўғри иммунитетимиз душмани саналади.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-1234 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

1 997-2000 йилларда суратга олиниб, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 1-телеканалида эфирга узатилган “Чархпалак” телесериали томошабинлар орасида катта шўхрат қозонган эди.

ТАМАРА ҲАЗРАТҚУЛОВА:

“ШИФОКОР ЁКИ ТЕРГОВЧИ
БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАНМАН”

Ушбу сериалда иштирок этган кўплаб ёш актрисалар мухлисларга тез танилиб, машҳурлик даражасига етишган. Улар орасида Шахноза келин ролини ижро этган Тамара Ҳазратқуловани алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Актриса мазкур сериалдаги образни моҳирона ижро этиб, халқимизга танилган эди. У 1976 йил 4 сентябрь кuni Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида туғилган. 1998 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг “Драма ва кино актёрлиги” факультетини тамомлаган. Ижодий фаолиятини “Телефильм” студиясида режиссёр ассистенти сифатида бошлаган. 2000 йилдан эса Ўзбекистон давлат драма театрида актриса сифатида меҳнат қилиб келади. 2024 йилда “Олтин Ҳумо” миллий мукофотининг “Йилнинг энг яхши аёл актрисаси” номинациясига сазовор бўлган, шунингдек, “Шўхрат” медали билан тақдирланган. Оилали, уч нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. Ўзининг бетақрор образлари билан халқ меҳрини қозониб келаётган ижодкор, “Чархпалак” сериали орқали кенг жамоатчиликка танилган театр ва кино актрисаси Тамара Ҳазратқулова билан суҳбат уюштирдик.

– **Актрисаликка кириб келишингиз қандай бошланган? Бу соҳага болаликдан қизиқиш бўлганми?**

– Ростини айтсам, мен актриса бўламан деб орзу қилмаганман. Лекин мактабдаги санъат байрамлари ва ҳар хил тадбирларда доим иштирок этардим – сахна кўринишлари, ғазал, шеър, рақс... Нима бўлса, ўқитувчиларимиз албатта мени чиқаришарди. Мактабдаги бирор тадбир менсиз ўтмас эди. Бироқ мактабни битиргач, бу қизиқишларим унут бўлиб кетди. Актрисалик ҳақида ўйламаганман ҳам – ҳаёлимда фақат жарроҳ ёки терговчи бўлиш бор эди. Аммо тақдиримда актриса бўлиш битилган экан. Мен тиббиёт йўналишига топширганман ва ўзимга қаттиқ ишонганман. Лекин ўқишга қира олмадим. Бу жуда алам қилган. Мен билан бирга топширган қизни пул тўлаб ўқишга кириб кетганини кўриб янада ранжигандим. Ўшанда дадам шундай деган эдилар: “Опаларинг иккаласи ҳам ўз кучи билан ўқишга кирган. Сен ҳам билиминг билан киришинг керак. Пул тўлаб кириш тўғри эмас”. Бу гаплар менга қаттиқ таъсир қилган. Ўқишга қира олмаганим учун бир йил йиғлаб юрганман. Бир куни онам ҳолимни кўриб, олдимга бир маълумотлар китобчасини ташлаб: “Қизим, шу ерга топширасан” дедилар. Китобчада институтларнинг номи ва манзили ёзилган эди. Онам кўрсатган саҳифада Островс-



кий номидаги театр ва рассомчилик институти ёзилган экан. Мен ҳайрон бўлиб: “Она, мени биров у ерда кутиб турибдими? Қандай қилиб актриса бўлмаган?” дегандим. Онам эса: “Бир марта ҳаракат қилиб кўр” дедилар. Онамининг шундай қатъий айтишларига сабаб бор эди. Мактабдаги санъат байрамларидан бирида ҳайъат аъзоларидан бири роль ўйнашимни кўриб, онамни қақиртириб: “Қизингизни иқтидоринг бор. Уни бу ерда қолдирманг. Тошкент театр ва рассомчилик институтига жўнатинг” деган экан. Ўқишга қира олмаганим учун эзилиб юрганимни кўрган онам ҳам бу фикрда қатъий туриб олдилар. Тайёргарлигим деярли йўқ эди. Аммам билан Тошкентга келганман. Аммам ҳар куни шеър, ғазал ёдлатардилар – мени эса ҳеч хоҳишим йўқ эди. Китобни олиб ухлаб

қолардим. Аммам урушиб-урушиб тайёрлатганлар. Шунга қарамай, омадим келиб, катта балл билан ўқишга кирдим. Биринчи икки ой жуда қийналдим. Онам келганларида ҳатто “кетаман” деб туриб олганман. Соғинч ҳам, қийинчилик ҳам мени эзган. Шунда марҳум устозим менга қаттиқ гапирганлар: “Бу сенинг касбинг. Сенинг келажагинг бор. Бу қийинчиликларга чида. Келажагингни бузма, қизим”. Устозимнинг шу сўзлари менга куч берган. Шу билан актрисалик йўлига кириб келганман.

– **Биринчи марта сахнага чиққан кунингизни қандай ҳис-туйғулар билан эслайсиз?**

– Институтни тамомлагач, “Телефильм”да режиссёр ассистенти сифатида иш бошладим. Бир куни актёр Абдор Иўлдошевни учратиб қолдим.



У киши менга: “Абдор Ҳидоят театрида спектакль оялман, сен учун роль олганман, бориб кўр, қатнашасан”, – деб таклиф қилдилар. Таклифга биноан театрга бордим. Театрда Абдор ака ишлаётган эдилар, кейинроқ ишлари чиқиб қолдим, спектаклни бошқа режиссёр давом эттиришига тўғри келди. Раҳматли Баҳодир Иўлдошев кўлларида олдилар ва ишни давом эттирдилар. Театрга биринчи қадамим “Хонума” спектакли билан боғлиқ. Ўша пайтдаги ҳис-туйғуларимни фақат бизнинг соҳа вакилларигина тушунади. Баҳодир Иўлдошев менга: “Сенинг жойинг театрдан. Хужжатларингни олиб кел, сени ишга оламыз”, – деб қатъий айтганлар. Шундан кейин хужжатларимни олиб бориб топширдим ва мана, қарийб 26 йилдан бери шу театрдан ижод қилиб келялман.

– **Оилада эркак ва аёлнинг бир соҳада ишлаши – бунинг яхши ва ёмон томонлари нимада деб ўйлайсиз?**

– Менимча, ёмон томони йўқ. Чунки турли соҳаларда ишлаганда юракда қандайдир гўлгула, ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин. Бир соҳада,

бир жамоада бўлиш, бир-бирингиздан ҳамisha хабардор бўлишингизга, бирга ҳаракат қилишингизга ёрдам беради. Ёмон томонлари бор деб ўйламайман. Фақат яхши томонлари кўп.

– **Тамара Ҳазратқулова актриса сифатида илҳомни қаердан олади?**

– Мен илҳомни барча нарсадан оламан. Олаётган нафасимдан, ҳаётда бўлаётган воқеалардан, одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатларидан, мухлисларнинг олқишларидан, қисқа қилиб айтганда, ҳаётнинг ўзидаги ҳар бир майда-чуйда ҳолатдан илҳомланаман.

– **Поездга охириги марта қачон чиққансиз ва Ўзбекистон темир йўллари ҳақида фикрингиз?**

– Поезд бизнинг ҳаётимиз билан узвий боғлиқ. Гастроль сафарларида тез-тез чиқамиз ва шу боис поездда жуда кўп юрамиз. Чунки поездда сафар қилиш қулай, хавфсиз ва ичидан ўзингизни хотиржам ҳис қиласиз. Ҳозирги поездларимиз жуда замонавий ва қулай бўлиб қолган. Охириги мартада юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездида сафар қилдим. Манзилни бир пасда яқин қилиб, тез олиб боради. Қани эди, шунақа тез-тез поездлар Сурхондарё томонга ҳам қўйилса. Ўша ҳудудда яшайдиганлар учун жуда катта қулайлик бўлар эди. Мен ҳам шундай поездлар йўлга қўйилишини истаб қоламан. Темир йўл соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган барча ходимларга соғлиқ-саломатлик тилайман. Ҳеч қачон чарчамасинлар, йўллари доимо очиқ бўлсин. Омад ҳар доим ҳамроҳлари бўлсин.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди